
Мустақиллик шукронаси

Олтиариқ туманида Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 31 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳамда "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" давлат Дастуридаги чоратadbирлар ижросини таъминлаш ва аҳоли ўртасида шукроналик хиссини ошириш, маънавий-маърифий соҳа тарғиботини янада кучайтириш мақсадида туман ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси, Маданият бўлими, Ички ишлар бўлими ва Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлимлари иштирокида ҳамкорлик режаси ишлаб чиқилган. Август ойи давомида туман маркази ҳамда ҳудудларда "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" шиори остида маданий, маърифий тadbирлар ўтказилади.

Бу галги "Мустақиллик шукронаси" концерт дастурига Фарғона шаҳридан "Зиё" эстрада гуруҳи таклиф этилди.

Тadbирда меҳр-саховат, одамийлик, ота-она ва юрт меҳри мавзуларида қўшиқлар янгради. Ижодкорлар томонидан Ватан ва фаровонликни тараннум этувчи шеърлар ўқилди. Байрам тadbирларида 500 нафардан зиёд аҳоли иштирок этди.

Бундай концерт дастурлари туманнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.
2022-08-12 17:15:10